



## ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ЛУҒАТЧИЛИГИНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Раҳматова Зоира Ҳақназаровна**

Қарши давлат университети  
E-mail:zoira.raxmatova.82mail.ru  
tel:+998912198279

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17377381>

**Аннотация:** Бугунги кунда жаҳон ўқув лексикографиясида ўқув луғатчилиги тараққиёти билан боғлиқ равишда узлуксиз таълимнинг энг қуйи бўғинида таълим олувчилар учун ҳам бир қанча луғатлар, ҳатто уларнинг электрон шаклларини яратиш жадал суръатларда кетмоқда. Мақолада болалар луғатчилиги соҳасида амалга оширилган ва бажарилиши кутилаётган вазифалар борасида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** мактабгача тарбия, ўқув луғатчилиги, луғат, лексикография, нутқ ўстириш воситалари, энциклопедия, менинг биринчи луғатим.

**Annotation:** Today, in connection with the development of educational lexicography in the world lexicography the creation of a number of dictionaries for learners at the lowest level of continuous education, even their electronic forms, is going on at a rapid pace. The article discusses the tasks performed and expected to be performed in the field of creating dictionaries for children's.

**Key words:** preschool education, educational dictionary science, a dictionary, lexicography, means of speech development, encyclopedia, my first dictionary.

Истиқлол йилларида ўқув луғатчилиги тараққиёти билан боғлиқ равишда узлуксиз таълимнинг энг қуйи бўғинида таълим олувчилар учун ҳам бир қанча луғатлар, ҳатто уларнинг электрон шакллари яратилди.

Мактабгача ёшдаги болалар луғати, асосан, энциклопедик характерга эга бўлади. Бу, биринчидан, луғат сўзлигининг муайян ёшдаги кенг фойдаланувчилар оммаси учун мўлжалланишига алоқадор бўлса, иккинчидан, нарса, тушунча, ҳодисага умумий тарзда изоҳ бериш, имкон даражасида изоҳни расмлар воситасида етказиш, визуал – тасвирда кўрсатиб тушунтириш зарурати билан боғлиқ. Айнан ана шу хусусиятлар болалар учун луғат яратиш ишида қатор муаммоларга сабаб бўлади.

**Биринчидан,** матбаачилик тараққий этгани, болалар учун махсус нашрларнинг пайдо бўлганига қарамай, дунёнинг кўпгина мамлакатларида болаларни турли мазмундаги китоблар билан таъминланиши ҳар доим ҳам қониқарли аҳволда бўлмаган. Бу ушбу жанрга мансуб китобларни ёзишдаги талабчанлик ва нашр этишдаги сарф-харажатлар билан боғлиқ. Хусусан, И.А.Антипова болалар учун ёзиладиган китоблар сифатига бўлган талаб, бу тоифадаги китобларнинг аналогиди ўз тавсифий белгиларини йўқотишига олиб келгани, бу эса маълум бир фойдаланувчилар учун мўлжалланган луғатларнинг бошқа категориядагилар учун мансуб китобга айланиб қолишига сабаб бўлганини таъкидлайди[1]. Кўпгина болалар адабиётлари, ҳатто Я.А.Коменскийнинг 1658 йилда болалар учун ёзилган машхур “Тушунчалар олами расмларда” деб номланган дарслик-энциклопедияси ҳам маблағ етишмаслиги сабаб 1768 йилда Москва университети нашриётида иллюстрацияларсиз нашр қилинади ва ўзининг иллюстратив энциклопедия вазифасини йўқотиб, хорижий тилларни ўргатишда фойдаланувчи луғат тоифасига ўтиб қолади.

**Иккинчидан,** болалар луғатини тайёрлаш ишида лингвистлар, педагог-психолог, безакчи ва қатор мутахассислар ҳамкорлиги керакки, бу ҳам ўз навбатида моддий сарф-харажатга бориб тақалади. Масалан, биргина унча катта ҳажмга эга бўлмаган рус тилида яратилган ва 2010 йилда ўзбекча таржима билан нашр этилган “Менинг энг

биринчи энциклопедиям” луғатини нашрга тайёрлаш ишида 5та муаллиф (В.В.Аристова, Л.Я.Галперштейн, М.О.Лукиянов, А.А.Никишин, К.А.Порсевский), 5та дизайнер (Д.Н. Верзун, Н.В. Данилченко, Т.А. Жежеря, Й.А.Никишихина, Й.А.Сурикова), 24та рассом (А.И.Безменов, Д.Н. Верзун, М.В. Воронсова, А.Г. Данилова, Н.В. Данилченко, М.О. Дмитриев, С.В. Дурнев, В.А. Дигало, В.С. Емишев, С.А. Ершов, Т.А. Жежеря, О.В. Жидков, Н.С. Краснова, В.Б. Куприянов, И.В. Максимова, А.Г.Проскураков, А.Л.Савелев, И.Н.Ситников, Т.Е.Ситникова, Т.А.Стасюк, Е.А.Сурикова, Н.В. Сучкова, В.Г.Челак, В.В.Чернобаева), умуман, элликка яқин мутахассис иштирок этган[2].

**Учинчидан**, болалар учун ёзилган ҳар қандай китоб ўз ўқувчисини бежиримлиги, безаклари, саргузаштларга бойлиги, қизиқарлилиги билан осонгина жалб қилиши мумкин. Аммо булар уни ўткир танқидчилар нигоҳидан қутқара олмайди. И.А.Антипова болалар учун ёзилган китобларни ўрганар экан, “болалар учун ёзилган китобларнинг тарихий ретроспективаси (ўтмиши, келиб чиқиши) – бу, авваламбор, билишга йўналтирилган китоб эканини кўрсатмоқда”[1], – деган хулосага келади. Шундай экан, бундай луғат сўзлиги қаторидан ҳар қандай лексик-семантик бирлик жой олавермайди. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари, хусусан, АҚШ, Буюк Британияда болалар учун ҳар қандай асар ёзаётган муаллиф, аввало, ушбу асарнинг айнан неча ёшли болаларга мўлжалланганини аниқ кўрсатади. Бу муаммога лексик минимумлар (“word list”), турли рўйхатлар орқали ечим топилади. Ўзбек тилида бундай рўйхатларни тузиб, экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилмаган.

**Тўртинчидан**, айти пайтда мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган ва таълимнинг ушбу бўғинида нутқ ўстириш машғулотларини олиб боришда асосий восита ҳисобланган мавжуд болалар луғатларининг аксарияти компилятив (нусха олиш, кўчирмачилик) характерга эга. Аниқроғи, бошқа тилларда яратилган болалар энциклопедияларини таржима қилиш йўли билан юзага келган. Хусусан, 2010 йилда “Чўлпон” нашриётида чоп этилган В.В.Аристова ва бошқалар муаллифлигидаги “Менинг энг биринчи энциклопедиям” ҳамда Н.Н.Малофееванинг “Мактабгача ёшдаги болалар энциклопедияси” рус тилида мавжуд бўлган айнан шу номдаги луғатлар негизида яратилган.

“Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонда илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар билан таъминлаш ҳам асосий вазифалар қаторида саналади[3].

Мамлакатимизда мактабгача таълимга эътиборнинг ортиши, Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил қилиниши ва узлуксиз таълим таркибига киритилиши тизимнинг бу бўғинида таълим олувчилари учун замонавий услубдаги лингводидактик ўқув воситаси – болалар луғатларини тузиш ва уларни нашр этиш билан боғлиқ муаммоларни кечиктирмай ечиш лозим эканини кўрсатмоқда. Айти пайтда, кўриб ўтилганидек, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш учун қўлимизда саноклигина ўқитиш воситалари мавжуд. Афсуски, мактабгача таълим муассасаларида улардан ҳам етарлича фойдаланилмапти. Бу эса мутахассислар олдида зарур ўқув луғатларини тузиш, тарбиячи, мураббийлар зиммасида болаларга луғатлардан фойдаланишга эҳтиёж туйғусини уйғотиш, луғатлар устида ишлаш маданиятини шакллантириш вазифасини қўймоқда.

Бугунги кунда жаҳон ўқув лексикографиясида тил воситасида миллат маданияти, урф-одатини ўрганишга асосланган антропоцентрик характердаги лингвомаданий

ўқув луғатлари, лингвомамлакатшунослик ўқув луғатлари, маданиятлараро коммуникация типигаги ўқув луғатларини яратиш жадал суръатларда кетмоқда. Бу типдаги луғатлар, одатда, тил ўрганиш асосида ўқувчига бошқа халқларнинг маданияти билан танишиш имконини беради. Бу эса **“Ўзбек тили иборалари ўқув изоҳли луғати”, “Ўзбекча мулоқот маданияти ўқув луғати”, “Менинг оилам”, “Менинг шахрим”, “Мен яшайдиган ватан”, “Мен кўп сўз биламан”** каби мавзувий ўқув-изоҳли луғатларни яратишни кун тартибига қўймоқда.

Бугунги кунда фарзандларимизни ёшлигидан она тили илмий меъёрлари – тўғри ёзув, тўғри талаффуз қоидаларига ўргатиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Маълумки, мактабгача ёшдаги болалар тил фактларини ўзлаштириш давомида мавжуд меъёрий қоидалар билан ҳам тўқнашади. У сўзнинг талаффуз томонини ҳам ўз тафаккури доирасида, қандай эшитишига қараб қабул қилади. Бундай товуш ва маъно меъёрларига таянган гўдак тил тизимини айнан шундай ўзлаштиради. Боланинг тил ҳодисаларини ўзлаштириши бу унинг тил қоидаларига мослашиши эмас, балки психологик жиҳатдан тилнинг маълум меъёрлари унинг онгига сингади, қолганлари муайян вақт мобайнида бола тилида кўп қўлланиши натижасида воқе бўлади.

Одатда, ҳар қандай луғат адабий тилнинг амалда бўлган меъёрларига асосан ишлаб чиқилади. Ўқув луғати сўзлиги фойдаланувчининг ёш хусусияти, узлуксиз таълимнинг қайси бўғинида таълим олаётганидан келиб чиқиб даражаланади. Масалан, бошланғич синфлар учун яратилган луғатлар бола нутқига хос бўлган тил бирликларини қамраб олиб, нутқ жараёнида орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик меъёрларга амал қилиш компетенцияларини шакллантириб боради. Бу эса мактабгача ёшдаги болалар учун **“Тўғри талаффузга ўрганамиз”, “Тўғри гапир”, “Сўзни тўғри қўлла”, бошланғич синфлар учун “Тўғри ёзамиз”, “Тўғри талаффуз қилишга ўрганамиз”, “Ўрнида қўллаймиз”, юқори синфлар учун “Имло ўқув луғати”, “Талаффуз ўқув луғати”** типигаги меъёрий луғатларга бўлган талабни оширмоқда.

Бугунги кунда замонавий таълим тизимида мактабгача ёшдаги болалар учун яратиладиган луғатларнинг махсус халқаро жанрлари юзага келди, бир тилли, кўптилли, серияли луғатлар, комплекс луғатларни яратиш оммалашди. Буюк Британия, АҚШда дунё бўйлаб катта тезликда тарқалаётган инглиз тилини ўз она тили сифатида ўрганувчи болалар, қолаверса, бошқа миллат болаларига илк ёшларидан тезкор ўргатишга хизмат қилувчи луғатларни яратиш давлат аҳамиятига молик ижтимоий-сиёсий вазифага айланди. Мактабгача таълим тизими учун яратилган луғатларнинг айрим кўринишлари нафақат Буюк Британия, Америка, балки Россия, Германия ва бошқа мамлакатларда ҳам нашр этилаётгани бу борада ўзига хос анъанани, халқаро жанрларни юзага келаётганидан далолат бермоқда. Уларнинг энг машҳурлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

**1. “Менинг энг биринчи луғатим”** (“Very First Dictionary”, “Самый первый словарь”) – мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган илк махсус серияли луғатларнинг халқаро номи.

Маълумки, кўпгина ривожланган мамлакатларда 6-7 ёшгача бўлган болалар деярли тўлиқ мактабгача таълимда қамраб олинади. Ушбу луғатлар шу серияда нашр этилган кейинги луғатлардан энциклопедик характерга эгаллиги билан ажралиб туради. Умуман, ушбу луғатларнинг замонавий авлодлари ҳам энциклопедик характерга эга, бироқ улар анъанавий болалар энциклопедиясидан изоҳларнинг қисқа, лўнда ва содда экани билан бироз фарқланади. Бу типдаги энциклопедик луғатларни инглиз тилида ҳам, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин[4].

**2. “Менинг биринчи луғатим”** серияли луғатлар дастлаб Буюк Британияда “Collins” бренди остида нашр этилади. Кейинчалик мактабгача таълим ташкилотларининг асосий ўқув воситаларидан бирига айланган шу сериядаги луғатларни яратиш анъанага айланади. Инглиз тилида “My First Dictionary” [5] рус тилида “Мой первый словарь” [6], қозоқ тилида “Ең алғашқы сөздік” [7], ўзбек тилида “Менинг биринчи луғатим” [8] каби номлар билан ўз остида юзлаб мавзувий луғатларни (ҳайвонлар, мева-сабзавотлар, инсон аъзолари, кийим-кечаклар, ошхона жиҳозлари, йил фасллари, ранглар каби) жамлаган рангли-безакли изоҳли луғатлар дунё бўйлаб тарқалади.

**3. “Болалар луғати”** белгиси билан нашр этилган луғатлар ҳам жаҳон ўқув лексикографиясида бирмунча анъанавий тус олган луғат шакллари бўлиб, инглиз тилида “Children’s dictionary”, “Learning dictionary”, “Dictionary for kids” [9] номлари билан тарқалганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу луғатларнинг барчасини узлуксиз таълимнинг илк бўғинида таълим олувчиларнинг нутқий заҳирасини тўлдириш, ўзини қуршаб турган оламнинг миллий лисоний манзарасини англашига кўмак бериш, энг зарурий маълумотларни қисқа ва содда шаклда тақдим қилиш хусусияти умумлаштиради. Мактабгача ёшда ўз фикрини эркин баён эта олган, нутқий қуршовида сўз топишга қийналмаган бола келажакда ҳар қандай ҳолатда муносабатга кириша олади. Эртанги кунимизнинг эгаси бўлган болажонларнинг ана шу муҳим даврида ўз она тили, қолаверса, бошқа тилларни ўзлаштириши учун кўмак берувчи махсус нутқ ўстириш воситалари – ўқув луғатларини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Антипова И.А.Образовательная книга для детей в России во второй половине XVIII в.: вопросы издания и типологии. Автореф.... канд. филол. наук. Санкт-Петербург, 2002. 23с. –С.13
2. Aristova V.V., Galpershteyn L.Y. va bosh.Mening eng birinchi ensiklopediyam (2- kitob) Tarj.T. Alimov.-T.Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2010.
3. Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentabrdagi PF-5198-sonli farmoni
4. My First Dictionary. Ages 4-5 (Collins Easy Learning Preschool). Anderson Sandra, Ferguson Kerry, Gilmour Lorna. Harper Collins UK, 2014.;
5. Collins First School Dictionary: Learn with words (Collins Primary Dictionaries) Paperback. 2018.Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг:  
<https://www.labyrinth.ru/books/448852/>;<https://www.sapnaonline.com/books/collins-first-dictionary>
6. <https://russkayarech.ru.>, <https://www.labyrinth.ru.>, <https://www.ozon.ru.>,  
<https://shop.mamindom.ua.>, [https://methodological\\_terms.akademik.ru.](https://methodological_terms.akademik.ru.)
7. <https://www.almatykitap.kz/catalog/e-alashy-szdk-samyu-pervyy-slovar-very-first-dictionary-6305-2159/>
8. Rahmatova Z. Mening birinchi lug'atim. Olam mening nigohimda. Rangli-bezakli o'quv lug'at. 5-7 yoshli bolalar uchun. “Nasaf”, Qarshi, 2021. 104 b.; Tursunova Y. Mening birinchi lug'atim.



Rangin olam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. "Nasaf", Qarshi, 2019.; Botirova A. Mening birinchi lug'atim. Meva va sabzavotlar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. "Nasaf", Qarshi, 2019.; Turdiyeva M. Mening birinchi lug'atim. Kiyim-kechaklar. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. "Nasaf", Qarshi, 2019.; Rahimova Sh. Mening birinchi lug'atim. Bayramlarimiz. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. "Nasaf", Qarshi, 2019.; Bobojonova Sh. Mening birinchi lug'atim. Komillik sari ilk qadam. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun rangli-bezakli o'quv izohli lug'at. "Nasaf", Qarshi, 2019.

9. Oxford Children's Dictionary Hardcover . 2015.; Oxford Children's Thesaurus Hardcover. 2015.; Oxford Advanced Learners Dictionary Paperback (English). Туликроқ маълумот олиш учун қаранг:  
[https://en.wikipedia.org/wiki/Oxford\\_Advanced\\_Learner%27s\\_Dictionary](https://en.wikipedia.org/wiki/Oxford_Advanced_Learner%27s_Dictionary).